


## Жума - мусулмонлар учун байрам

Image not found or type unknown



07:00 / 28.06.2024 5723

*Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Жума Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга нозил қилинди. Уни Жаброил алайҳиссалом олиб тушдилар. Ўшанда Жаброил алайҳиссаломнинг қўлларида ўртасида қора нуқтаси бор оппоқ ойна бор эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Жаброил, бу нима?» - деб сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом: «Бу жума, Аллоҳ таоло бунини Сизга ва сиздан кейинги умматларингизга байрам қилиб туширди. Унда Сиз ва умматларингиз учун яхшиликлар бор. Сиз ҳафта кунларининг аввалги кунини байрам қиласиз. Яҳудийлар ва насронийлар эса Сиздан кейин байрам қилишади. Унда дуолар ижобат бўладиган бир вақт бор. Банда ўша вақтда дуо қилиб, Роббидан нима яхшилик сўраса, ўша яхшилик унинг насибаси бор**

**бўлса, Аллоҳ таоло у яхшиликни беради. Қандай ёмонликдан паноҳ сўраса, Аллоҳ таоло у ёмонликни ва ундан каттароғини ҳам ундан қайтаради. Бизлар жума кунини «явмил мазид (савоблари бисёр бериладиган кун) деб атаймиз», - деб жавоб берди».**

*Табароний ривоят қилган.*